

## Кичик тадбиркорлик (бизнес)

2016 йил 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) сони 7 225 тани ташкил қилди.

2016 йил январь-мартда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 27,0 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (2015 йилнинг шу даврида 25,8 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 58,6 фоизини (242,4 минг киши) кичик тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилди. Кичик тадбиркорликда банд бўлганларнинг 19,0 фоизи (46,1 минг киши) кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 13,8 фоизга ўсди ва 355464,5 млн. сўмни (вилоят саноат ишлаб чиқаришининг 14,8 (фоизи), қишлоқ хўжалик маҳсулоти 8,9 фоизга ўсиб, 240 620,7 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 94,5 (фоизи)) ташкил қилди.

Вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 21,2 фоизи, қурилиш ишларининг 78,4 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди.


Кичик бизнес субъектлари юк айланмаси вилоят автомобил транспорти умумий юк айланмасининг 43,3 фоизини, умумий йўловчи айланмасининг 67,5 фоизини ташкил этди.

Савдо айланмаси умумий ҳажмининг 91,4 фоизи ёки 601 211,6 млн. сўми (ўсиш 19,1 фоизни ташкил қилди ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 43,8 фоизи ёки 100735,1 млн. сўми (13,7 фоизга ўсган) кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 19,7 фоизини ташкил қилди. Жорий йилнинг январь-мартда кичик бизнес субъектлари томонидан 27744,2 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 26,0фоизи) миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Импорт 9800,3 минг АҚШ доллари (умумий импортнинг 11,7 фоизи)ни ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида, кичик тадбиркорлик улушининг ўзгариши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Хусусий тадбиркорлик кичик бизнеснинг асосий қисмини ташкил қилади. 2016 йилнинг январь-мартда кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари маҳсулотининг улуши қуйидагича ифодаланади:

	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	355464,5	71,5
Қурилиш	201978,7	58,9
Чакана савдо	601 211,6	91,4
Пуллик хизмат	100735,1	93,1
Юк ташиш, млн. тн.	3,8	73,7
Йўловчи ташиш, млн. киши	35,0	88,6
Экспорт, минг АҚШ долл.	27744,2	0,6
Импорт, минг АҚШ долл.	9800,3	3,7